

**Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро Бўриев Гуломжон Баходировичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига веб-сайт орқали келиб тушган мурожаати ва Телеграм ижтимоий тармоғида Банкир кундалиги ҳамда Компроматузб телеграм каналларига қилган мурожаатларини ўрганиш юзасидан ўтказилган**

## **СУХБАТ БАЁНИ**

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Навруз маҳалласида яшовчи фуқаро Бўриев Гуломжон Баходировичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига веб-сайт орқали келиб тушган мурожаати ва Телеграмм ижтимоий тармоғида Банкир кундалиги ҳамда Компроматузб каналларига қилган мурожаатларини ўрганиш мақсадида Шўрчи туманида 2022 йил 14 октябр санасида Ўзмиллийбанк АЖ Қумқўرғон филиали бошқарувчи биринчи ўринбосари Д.Бобомуродов, бош мутахассиси М.Хуррамов ҳамда мурожаат муаллифи Ғ.Бўриевнинг раҳбарлигидаги “Белвар строй канфорт” ХКнинг ишончли вакили Бўриев Бехруз Баходирович билан учрашиб суҳбат ўтказилди. Суҳбат давомида қуйидагилар маълум бўлди:

Савол: Биринчи маротаба банкка қачон мурожаат қилгансиз?

Жавоб: Биринчи маротаба жорий йилнинг феврал ойида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун яъни компьютер хизматларини ташкил этиш мақсадида мурожаат қилганман. Шунингдек, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун танланган бинода ижара шартномаси (ушбу бинода ижара шартнома асосида фаолият юритиш мўлжалланган эдим) бўйича муаммо бўлганлиги сабабли йиғилган дастлабки кредит хужжатларини қайтариб олгандим.

Савол: Иккинчи маротаба қачон ва нима мақсадда кредит олиш учун мурожаат қилгансиз?

Жавоб: Иккинчи маротаба жорий йилнинг август ойида мебел ишлаб чиқарини фаолиятини ташкил этиш учун кредит олиш мақсадида мурожаат қилганман, аммо ушбу бинони умумий овқатланиш нуқтасига айлантирганим учун бошқа мақсадда кредит олишга қарор қилдим.

Савол: Ҳозирда нима мақсадда кредит олмоқчисиз?

Жавоб: Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентига веб-сайт орқали қилган мурожаатим ва Телеграмм ижтимоий тармоғида Банкир кундалиги ҳамда Компроматузб каналларига қилган мурожаатларимда кўрсатилган мақсадда яъни автосервис хизматини ташкил этиш учун кредит олмоқчиман.

Савол: Сизга ушбу лойихани амалга ошириш учун қанча кредит маблағи зарур?

Жавоб: Ҳозирда қилган дастлабки ҳисоб китобимизга кўра лойихани амалга ошириш учун 2,0 млрд.сўм кредит маблағи зарур бўлади.

Савол: Кредит олиш учун етарли гаров таминотингиз мавжудми?

Жавоб: Кредит олиш учун гаров таминотимиз мавжуд.

Изоҳ: Такдим қилмоқчи бўлган гаров таъминотини биргаликда бориб кўрдик. Гаров Шўрчи тумани Навруз маҳалласида жойлашган “Далварзин оқтумшук” МЧЖга тегишли фойдали майдони 285.46 м.кв бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш биноси экан. Бундан ташқари енгил автомобиллар ҳам такдим қилмоқчи эканлигини билдирди (автомобиллар Тошкент шаҳрида бўлганлиги сабабли кўришни имкони бўлмади).

Савол: Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун ер майдони ва бинолар мавжудми, кимга тегишли?

Жавоб: Фаолият жойи мавжуд. Шўрчи тумани Навруз маҳалласида жойлашган автомобилларга хизмат кўрсатиш биноси, биро фуқаро Асадуллаев Шерзодга тегишли. Ушбу бинода биро эгаси билан узоқ муддатли ижара шартномаси қилиб фаолият юритмоқчиман.

Изоҳ: Фаолият жойини биргаликда бориб кўрилди. Биро мўлжалланаётган фаолият учун мос ва шароитлари мавжуд (бинони ҳужжатларини кўришни имкони бўлмади).

Савол: Ўзмиллийбанк АЖнинг 2022 йил учун мўлжалланган Кредит сиёсатига кўра амалга оширилаётган лойиҳа умумий миқдорининг 15 фоизи миқдорида тапнаббускорнинг ўз маблағи мавжуд бўлиши керак. Юқоридагиларга кўра умумий лойиҳа миқдорининг 15 фоизи миқдорида ўз маблағингиз мавжудми?

Жавоб: Умумий лойиҳа миқдорининг 15 фоизи миқдорида ўз маблағларим мавжуд.

Шундан сўнг мурожаат муаллифининг ишончли вакили Б.Бўриевга кредит ажратилиш шартлари тушунтирилди ва кредит ажратиш учун зарур бўладиган дастлабки ҳужжатлар рўйхати такдим қилинди.

Савол: Кредит ажратиш учун керак бўладиган дастлабки ҳужжатларни қанча муддатда банкка такдим қиласиз?

Жавоб: Кредит ажратилиши учун зарур бўладиган ҳужжатларни 5 кунлик муддат ичида такдим қиламан.

Сухбат якунида мурожаат муаллифи мурожаати Ўзмиллийбанк АЖ ходимлари томонидан тезкорлик билан ўрганилганлигини ва тўлиқ тушуничалар берилганлигини маълум қилди.

Мурожаат муаллифи:

“Белвар строй комфорт” АЖнинг ишончли вакили



Ўзмиллийбанк АЖ Қумқўرғон филиали  
бошқарувчи 1-ўринбосари:

Банк ходими:

Д.Бобомуродов

М.Хуррамов